

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ ПУЛЛИ МАГИСТРАЛЬ  
АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ҚУРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ  
ҚИЛИШ**

**Ахматохунов Бахтиер Максудович  
Андижон машинасозлик институти**

**СТРОИТЕЛЬСТВО И МОДЕРНИЗАЦИЯ СОВРЕМЕННЫХ ПЛАТНЫХ  
АВТОМОБИЛЬНЫХ ДОРОГ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**Ахматохунов Бахтиер Максудович  
Андижанский машиностроительный институт**

**CONSTRUCTION AND MODERNIZATION OF MODERN TOLL ROADS  
IN UZBEKISTAN**

**Akhmatokhunov Bakhtiyor Maksudovich  
Andijan Engineering Institute**

***Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистонда замонавий пуллик йўлларининг жорий этилиши ҳамда ривожланган мамлакатларнинг пуллик магистраль автомобиль йўлларининг статистикаси келтирилган.*

***Калит сўзлар:** Замонавий йўл, пуллик йўл, магистраль автомобиль йўллар, модернизация.*

***Аннотация:** В данной статье представлено внедрение современных платных дорог в Узбекистане, а также статистика платных автомагистралей развитых стран.*

***Ключевые слова:** современная дорога, платная дорога, автомобильные магистрали, модернизация.*

***Abstract:** This article presents the introduction of modern toll roads in Uzbekistan, as well as statistics on toll highways in developed countries.*

***Keywords:** modern road, toll road, highways, modernization.*

Замонавий йўл хўжалиги турли хил иқлим шароитида йўлларни жадал қуриш, сақлаш ва таъмирлашни таъминлайдиган тизимлардан ва машиналар мажмуаларидан фойдаланишга асосланган.

Пуллик йўллар. Айрим участкаларда кў шимча тўловлар муаммоси бўйича иккита асосий фикр мавжуд: бир томон буни адолатсиз деб ҳисоблайди. Бошқалар буни мутлақо нормал ҳодиса деб билишади.

Австралиянинг Бюджет Директ суғурта компанияси дунёдаги энг қиммат пулли йўллар рейтингини эълон қилди. Рейтингга кўра, дунёда энг қиммат пулли йўл АҚШдаги Пенсилвания магистралаи (И-76, Интерстате 76) ҳисобланади. Қайд этилишича, Пенсилвания магистралаида йўл юриш нархи 112,91 долларни ташкил этади. Магистраль узунлиги 580 километрга тенг бўлиб, у Пенсилвания штатини кесиб ўтади.

Австриядаги Гроссглокнер йўли энг қиммат пулли йўллар рўйхатида иккинчи ўринга жойлашди – йўл ҳақи 45 доллар. Пулли йўлларнинг ўртача нархи бўйича мамлакатлар рўйхатини эса Швейсария бошқармоқда - 26,5 доллар.

Швейцария дунё мамлакатлари орасида пуллик йўлларнинг ўртача нархи рўйхатида 26,5 доллар (тахминан 278 197 сўм) билан етакчилик қиляпти. Иккинчи ўринни 16,29 доллар (тахминан 171 012,42 сўм) кўрсаткич билан Австрия банд қилган, ундан кейин 16,28 доллар (тахминан 170 907,44 сўм) билан Фарер оролларидаги пуллик йўллари фаолият кўрсатмоқда.

**Ўзбекистонда ҳам пулли йўллар қурилиши жорий йилда бошланади.**

Президентнинг жорий йил 30 августдаги ПҚ-308-сон қарори билан 2024–2026 йилларда устувор давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ҳамда 2024–2030 йилларда давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириладиган лойиҳалар дастури тасдиқланди.

Ҳужжатда давлат-хусусий шериклик асосида иккита пулли йўл қурилиши ҳақида сўз боради.

Тошкент–Самарқанд пулли автомобиль йўли қурилиши 2024 йилда, Тошкент–Андижон йўли 2026 йилда бошланади. Ушбу лойиҳалар шаҳарлар

ўртасида тезкор ва қулай алоқа учун қўшимча шароитлар яратиши кутилмоқда.

Шунингдек, қарор билан камида 1 000 км замонавий пулли магистраль автомобиль йўллари қуриш ва модернизация қилиш тасдиқланди.

Бундан ташқари, электр энергиясини тақсимлаш тармоқларини 2027 йил 1 июлгача ва табиий газни тақсимлаш тармоқларини 2027 йил якунига қадар хусусий операторларга бериш ва йиллик энергия йўқотишларини камида икки баравар қисқартириш режалаштирилган.

Ҳар йили қўшимча 30 фоизгача электр энергиясини тежаш мақсадида 2028 йилгача барча маънан эскирган ирригация насос станцияларини модернизация қилиш бўйича келишувларга эришиш режалаштирилган.

2028 йил якунига қадар ҳар бир вилоятда сув таъминоти ва канализация тармоқларини модернизация қилиш ва бошқариш учун аҳолини тоза ва узлуксиз ичимлик суви билан қамраб олишни 87% гача, марказлаштирилган канализация таъминотини 30% гача таъминлашни ҳисобга олган ҳолда хусусий компанияларни жалб қилишмоқчи. 2026 йилдан бошлаб ҳар йили камида 100 та мактаб ва 100 та боғча ДХШ асосида қурилади.

Барча лойиҳалар учун давлат муассасаси шаклидаги «Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари маркази» лойиҳа офиси ташкил этилади. У мунтазам равишда ДХШ соҳасидаги мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этади, уларни чет элда амалиётга юборади, шунингдек, халқаро сертификатларни олишни ташкил этади.

### **Adabiyotlar**

1. Intelligent Transportation Systems, Stephen Ezell, I T I F, The Information Technology & Innovation Foundation, 2010.
2. С.В. Жанказиев. Интеллектуальные транспортные системы. Учебное
3. пособие. Москва, МАДИ, 2016. - 122 стр.

4. П.Пржибыл, М.Свитек. Телематика на транспорте. Прага-Москва, 2004.
5. А.Б.Николаев, С.В.Алексахин, И.А.Кузнецов, В.Ю.Строганов. Автоматизированные системы обработки информации и управления на автомобильном транспорте. Учебник. М.: Академия, 2003. - 224 стр.
6. <https://daryo.uz/k/2021/03/16/eng-qimmat-pullik-yollar-nomi-elon-qilindi/>